

**“TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO‘JALIGINI MEXANIZATSIYALASH  
MUHANDISLARI INCTITUTI”  
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI**

<b>Kafedra:</b>	<b>Irrigatsiya va melioratsiya</b>
-----------------	------------------------------------

<b>Fan:</b>	<b>Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish</b>
-------------	---

**Dots. Botirov Sh.Ch.**

**Toshkent**

## **Foydalaniladigan adabiyotlar ro‘yxati**

### **Asosiy adabiyotlar**

1. Костяков А.Н. “Основы мелиорации”. М. Сельхозгиздат. 1960. - 624 л.
2. Raхimbayev F.M., Xamidov M.X. “Qishloq xo‘jalik melioratsiyasi”. Toshkent. «Mehnat». 1996.-364 bet.
3. Muxamedov A.Q. “Suv xo‘jaligi va melioratsiyaga kirish” fanidan o‘quv qo‘llanma. Toshkent. TIMI bosmaxonasi. 2008 yil. 162 bet.
4. Muxammadjonov A. “O‘zbekistonning qadimgi gidrotexnika inshootlari”. Toshkent . O‘zbekiston. 1997 yil. 88 bet.
5. Ирригация Узбекистана. I-IV том. Ташкент. «Фан» 1981 г.
6. Xamidov M.X., Shukurlayev X.I., Mamataliyev A.B. “Qishloq xo‘jaligi gidrotexnika melioratsiyasi”. Toshkent., Sharq. 2008.-408 bet.

### **Qo‘shimcha adabiyotlar**

1. Raхimbayev F.M. va boshqalar. “Qishloq xo‘jaligida sug‘orish melioratsiyasi”. Tashkent. “Mehnat”. 1994.-327 bet.
2. Raхimbayev F.M., Shukurullayev X.I. “Zax qochirish melioratsiyasi”. Toshkent. “Mehnat”. 1996.-201 bet.
3. Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1988.-363 бет.
4. Рахимбаев Ф.М. “Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям”. Ташкент. “Мехнат”. 1991.-391 бет.
5. O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi 1-12 tom.

**Мавзу: Ўзбекистоннинг иқлими, географик, геологик ва инженер – гидрогеологик шароитлари, ер фонди, тупроғи ва ерларнинг мелиоратив ҳолати.**

## **МАЪРУЗАНИНГ РЕЖАСИ**

- 1.Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларининг ташкил топиши.**
- 2.Ўзбекистон Республикасининг ер фонди, ер фондининг тоифалари ва уларнинг тавсифи.**
- 3.Ўзбекистон иқлими**
- 4.Ўзбекистон тупроқлари.**
- 5.Ўзбекистон ерларнинг мелиоратив ҳолати.**
- 6.Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.**

**Ўзбекистоннинг иқлими, географик, геологик ва инженер –  
гидрогеологик шароитлари, ер фонди, тупроғи ва ерларнинг мелиоратив  
ҳолати мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талабалар
<b>I. Кириш босқичи (10 дақиқа).</b>	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсади, режалаштирилган ўқув машғулоти натижалари ва уни ўтказиш режаси билан таништиради.</p> <p>1.2. Машғулот маъруза, тушунтириш ва намойиш шаклида ўтказилишини ва баҳолаш мезонларини маълум қилади</p> <p>1.3. Фанни ўрганиш учун адабиётлар руйхати билан таништиради.</p>	Тинглайдилар, ёзиб оладилар
<b>II. Асосий босқич (55 дақиқа).</b>	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза ва унинг режаси, асосий тушунчалар билан таништиради.</p> <p>2.2. Маърузани ёритувчи слайдларни Power pointда намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий билимларни баён қилади.</p> <p>2.3. Жалб қилувчи саволлар беради; мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади; энг асосий тушунчаларга эътибор қаратади.</p>	<p>Тинглайдилар, Ёзиб борадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар</p>
<b>III. Яқуний босқич (15 дақиқа).</b>	<p>3.1. Мавзунинг умумлаштиради, умумий хулосалар қилади, яқун ясайди, саволларга жавоб беради.</p> <p>3.2. Талабаларга мавзу бўйича назорат саволларини эълон қилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: мавзуга оид янги маълумотларни топиб, мустақил ўқиш келиш.</p>	<p>Диққат қиладилар.</p> <p>Савол берадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

# Марказий Осиё давлатларининг ташкил ТОПИШИ

-Россия империяси даврида Марказий Осиё дейилганда:

-Орол денгизининг шимолий нуқтасидан то Балхаш кўлининг шимолий нуқтасига ўтказилган тўғри чизикдаги Эрон, Афғонистон, Хитой ва Касбий денгиз чегараларигача бўлган ораликда жойлашган ҳудуд тушунилган.

-Совет даврида бу тушунчалар бир оз ўзгарган, чунки 1924 йилдаги миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида собиқ минтақанинг анча қисми Қозоғистон таркибига киритилди.

-Қозоғистоннинг чегаралари эса шарқий-шимолдан Ўрта Сибирга, ғарбдан Урал тоғлари ва Волга дарёсининг этакларигача, қисман Европа қитъасигача чўзилиб борди.

-Расмий ҳужжатларда ва кундалик ҳаётда “Ўрта Осиё” ва Қозоғистон тушунчаси кенг ишлатилган.

## Марказий Осиё давлатларининг пайдо бўлиши

-XX асрнинг сўнгги йиллардаги жаҳон тарихига сиёсий географик тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб кирди,

-Социалистик лагернинг емирилиши ва у ташкил қилган худудда янги мустақил мамлакатларни, жумладан Марказий Осиё мамлакатларининг пайдо бўлиши бу ўлкада ўзига хос сиёсий, иқтисодий географик ва демографик маконни вужудга келтирди.

-Бу регион халқларининг тили, тарихи ва динининг бирлиги, урф-одатлари, географик ўрни бозор иқтисодиётига ўтишдаги ва келажакдаги муаммоларнинг муштараклиги Марказий Осиё давлатларининг ягона иқтисодий интеграцияга бирлашганлигининг асосий сабабидир.

## Марказий Осиё Давлатлари

Давлатлар	Майдони км <sup>2</sup>	Суғорилади- ган ер майдони млн/га	Аҳолиси, млн киши	
			1991 й	2023 й
Ўзбекистан	447.400	4,22	20,4	36,6
Қозоғистон	2.724.902	1,6	16,8	20,0
Қирғизистон	198.500	1,0	4,4	7,0
Туркманистон	491.200	1,95	3,7	6,5-7,0
Тожикистон	142.000	0,83	5,3	10,3
Афғонистон	652200	3,21	32,9	

# Географик жойлашган ўрни ва чегаралари

-Марказий Осиё худуди асосий нам берадиган океанлардан узокда, материк ичкарасида, мўътадил иқлим минтақасининг жанубий қисмида жойлашган.

-Регион ғарбини Каспий денгизи сувлари ювиб туради.

-Марказий Осиё худуди ғарбдан шарққа томон салкам 3000 км га, шимолдан жанубга томон салкам 2750 км га чўзилган.

-Регионнинг шимолий ва ғарбий текислик ва пастекисликлардан жанубий ва шарқий чегаралар эса баланд тоғликлардан (Тяншань, Помир, Олой, Копетдог ...) ўтади.

-Марказий Осиёнинг ер усти тузилиши хилма-хил.

-Худудининг 80% текисликлардан, қолган қисми эса тоғликлардан иборат.

## **Марказий Осиё региони:**

-шимол ва шимолий-ғарбдан Россия Федерацияси

-жанубдан Эрон ва Афғонистон

-шарқдан Хитой давлатлари билан чегарадош.



# Иқлими

-Марказий Осиё регионининг табиий шароити ўзига хос хусусиятга эга. Халқ хўжалигини жойлаштириш ва ривожлантириш табиий шароити ва табиий ресурслар муҳим ўрин эгалайди.

-Ўрта денгиз циклонлари ҳам бу ерларга камдан-кам кириб келади.

-Шунинг учун бу ерда иқлим кескин континентал

-Ёзи иссиқ ва булутсиз

-Қиши бирмунча совуқ ва салқин

-Ёгингарчилик тоғли жойларда кўп (500 мм) чўл зонада кам (100 мм. гача).

-Шимолда июлнинг ўртача харорати +25 градус, январнинг ўртача харорати -15 градус атрофида бўлади.

-Баланд тоғлар йил давомида совуқ ва қор билан қопланиб ётса, чўлларда бутун ёз давомида жазирама иссиқ ҳукмрон бўлади.



# Ер усти тузилиши

-Марказий Осиё худуди жанубий-шаркдан шимолий-ғарбга томон пасайиб боради.

-Бепоён даштлар, чалачўллар, қумли ва гилли чўл текисликлар минглаб километр масофага чўзилган.

-Текисликларнинг жанубий чеккаларида эса Копетдог ва жуда баланд қорли тоғлар Тяньшань, Помир, Олой қад кўтариб туради.

-Марказий Осиё кескин контрастлик улка, МДХ даги энг паст жой Мангишлок яриморолидаги Корағиё ботиғи (денгиз сатхидан 132 м пастда) билан энг баланд жой Памирдаги Коммунизм чуккиси (7495м ) шу минтақада жойлашган.



# Ер усти тузилиши

Марказий Осиё геологик тузилиши, тарихий тараққиёти ва ер юзасининг ҳозирги хусусиятига кўра

## **Икки қисмга:**

-айрим жойларида қадимги қолдиқ тоғлар учрайдиган текисликлар;

-Атлантика океанидан то Тинч океанигача чўзилган баланд тоғ минтақаларига кирувчи тоғларга бўлинади.

Ғарбий Сибирь текислиги секин-аста баъзи жойларда унча баланд бўлмаган зинапоялар тарзида Қозоғистон қирли текисликларига ўтиб келади, улар жанубда Тяньшань тоғолдиларигача етиб келади.

## Дарё ва кўллари

- Амударё
- Сирдарё
- Зарафшон
- Келес
- Чирчиқ
- Қашқадарё
- Сурхандарё

- Фарғона  
водийсининг  
кичик  
дарёлари
- Ангрэн
- Яғноб
- Варзоб
- Чуй

-Қозоғистондаги энг йирик дарёлар - шимолда Иртиш Ғарбий Сибирь текислигида Обь дарёсига қуйилади.

-Ишим дарёси ҳам Қозоғистон худудларидан бошланиб, Иртиш дарёсига қуйилади.



## Ўрта Осиё дарёларининг тавсифлари

Дарё ҳавзаси	Сув йиғиш мадони минг км <sup>2</sup>	Ўртача сув сарфи, м <sup>3</sup> /с	Йиллик оқим км <sup>3</sup>	Оқим модули, 1 км га л/с	Хайдашга яроқли ер майдони, минг га	Табиий суғориш модули 1 км га л/с
Амударё ҳавзаси	227	2500	79,5	11,0	10700	23,3
Панж	107	1000	35,0	9,3	380	258
Вахш	34	670	21,2	19,4	140	480
Кофирнигон	8	180	5,7	22,3	170	115
Сурхондарё	8	120	3,8	14,6	390	33
Амударё	199	2000	62,7	10,0	4200	47,6
Қашқадарё	4	38	1,3	9,5	1350	2,8
Зарафшон	18	165	5,2	9,2	1800	9,2
Копетдоғ дарёлари	223	90	2,8	0,4	2930	3,1
Сирдарё ҳавзаси	150	1200	38,0	8,0	5200	23
Норин	58	417	13,2	7,1	170	245
Қорадарё	23	120	3,8	5,2	400	30
Сирдарё	142	500	16,0	3,5	2800	17,8
Чирчиқ	11	219	7,0	20,0	420	52
Чу	25	130	4,1	5,2	720	18

# Марказий Осиёнинг қишлоқ хўжалиги

Марказий Осиё давлатлари қишлоқ хўжалиги ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Унинг етакчи тармоклари

-ўсимликшуносликда пахтачилик ва пахта комплекси, дончилик, айника буғдой ва шоли, мевачилик ва узумчилик, полизчилик ва сабзавотчилик;

-чорвачиликда қорамолчилик, қўйчилик, йирикчилик, туячилик, парандачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигидаги минтақавий фарқлар ҳам яққол кўзга ташланади.

Масалан:

-Қозоғистонда дончилик

-Туркманистон ва Тожикистон пахтачилик

-Қирғизистон давлати эса майин толали жун етиштиришга ихтисослашган.



# Ўзбекистон Республикасининг ер фонди

## Ер фондининг тоифалари ва уларнинг тавсифи

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9** минг гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4** минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4311,5** минг гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6** **фоизини** ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан **8** та тоифага бўлинади.



## Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши, *минг га*

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз ҳисобида	Жами	Фоиз ҳисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	45,13	4198,9	9,35
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	0,49	50,9	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	857,1	1,91	12,4	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	1,57	0,6	0,001
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	0,03		
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	24,84	41,8	0,09
7	Сув фонди ерлари	833,7	1,86	4,7	0,01
8	Захира ерлар	10846,8	24,16	2,2	0,005
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>100</b>	<b>4311,5</b>	<b>9,6</b>





# Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

(минг га. ҳисобида)

Т/р	Худудлар номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахт-зорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами кишлок хўжалик ерлари		Томорка ерлари		Ўрмонзорлар		Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари		Бутazorлар	Бошқа ерлар
		жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16656,1	514,6	418,5	418,5	8,1	8,1	11,2	11,2	5257,3	36,6	5695,1	474,4	52,4	39,3	1072,7	0,8	0,1	0,1	107,1	9728,7
2	Андижон	430,3	275,9	200,4	200,4	31,2	31,2	2,6	0,5	21,1	0,9	255,3	233	52,4	38,7	3,9	3,9	0,3	0,3		118,4
3	Бухоро	4183,1	276,3	200,1	200,1	21	21	7	7	2558,1		2786,2	228,1	59,4	46,3	334,6	1,7	0,2	0,2	45,4	957,3
4	Жиззах	2117,9	303,9	486,9	260	27,3	17,3	11,3	1,7	736,5		1262	279	34,4	20,4	163,8	4,5	0,1		0,1	657,5
5	Қашқадарё	2856,8	513,5	675,7	417,3	38,9	36,7	21,9	4,6	1406,8	0,1	2143,3	458,7	80,1	48,5	164,2	6	0,3	0,3		468,9
6	Навоий	10948,1	126,4	122,9	92	10,3	9,6	6,8	6,7	8893,3		9033,3	108,3	25,6	16,3	1270,9	1,5	0,7	0,3		617,6
7	Наманган	718,1	289,4	186	186	48,3	48,3	2,5	2,5	150,2		387	236,8	59	47,8	23,9	4,7	0,1	0,1		248,1
8	Самарқанд	1677,3	379	428,8	246,7	68	63,3	5,2		796,8		1298,8	310	86,5	62,6	13	6,1	0,7	0,3		278,3
9	Сурхондарё	2009,9	325,1	278,1	238,6	34,2	32,8	0,3		825,8		1138,4	271,4	63,2	50,4	233,4	3,3	0	0	0,1	574,8
10	Сирдарё	427,6	287,3	249	249	7,7	7,7	10,2	10,2	19,9		286,8	266,9	20,4	16,1	4,2	4,2	0,1	0,1	0,1	116
11	Тошкент	1522,7	399,1	325	292	55,1	45,4	0,8	0,4	445,7	1,4	826,6	339,2	66,3	54	81,6	2,4	3,6	3,5	2,3	542,3
12	Фарғона	700,5	368,5	245	245	51,9	51,9			23,5	3,9	320,4	300,8	72	52,9	14,6	13,9	0,9	0,9		292,6
13	Хоразм	608,2	267,7	205,3	205,3	13,2	13,2	3,8	3,8	109,3		331,6	222,3	53,8	45,1	53,7	0,2	0,1	0,1		169
14	Тошкент ш.	35,8	5	1,2	1,2							1,2	1,2	6,8	3,8						27,8
	<b>Жами:</b>	44892,4	4331,7	4022,9	3252,1	415,2	386,5	83,6	48,6	21244,3	42,9	25766	3730,1	732,3	542,2	3434,5	53,2	7,2	6,2	155,1	14797,3

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР.


Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар **қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар** ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган **қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган** ерларга ажралади.

Шунингдек, **ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва боиқалар) эгаллаган ерлар** ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар **24057,1 (53,59%) МИНГ** гектарни, шундан **4214,3 (9,39%) МИНГ** гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади.



*Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобда).*



# АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИ

Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб туради, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (шаҳарчалар) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерларининг 2021 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **223,5 минг** гектарни ёки жами ерларнинг **0,50 фоизини** ташкил қилади.

## АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАР ТАВСИФИ

**Аҳоли** - ер юзида ёки унинг муайян ҳудуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарда истиқомат қилувчи одам (инсон)лар мажмуи, ишлаб чиқариш ва барча ижтимоий муносабатларнинг асоси ва субъектидир.

**Шаҳар** маданий ва илмий марказ бўлиб, аҳолисининг сони, иқтисоди ва саноатининг ривожланганлиги, маданий, илмий ва ўқув масканларининг мавжудлигига қараб фарқланади.

**Посёлка** эса маъмурий-ҳудудий бирлик, шаҳар чизигидан ташқарида жойлашган аҳоли пункти (шаҳар типигаги посёлка) ҳисобланади.

**Шаҳарча** туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

**Қишлоқ** – шаҳар ҳудудига кирмайдиган, маълум аҳоли сонига эга бўлган, қишлоқ марказлари ва маълум саноат объектлари атрофида истиқомат қилувчи аҳолининг яшаш жойларидир.


**Овул** эса уларга нисбатан кичикроқ ҳажмдаги яшаш ва турар жойлардан иборат аҳоли пунктларидир.

**Пункт** деганда бирор жихатдан ажралиб турадиган, муайян мақсадларга мўлжалланган жой тушунилади.



# САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **876,3 минг** гектар ёки республика ер фондининг **1,95 фоизини** ташкил қилади.



## Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси

Саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига **саноат корхоналарига**, шу жумладан **кон саноати, энергетика корхоналарига** ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар қиради.



## Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига **темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, хаво ва трубопровод** транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар қиради.



## Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар тушунчаси

Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига **алоқа линияларини** ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, **радиоэшиттириш, телевидение** ва **ахборот корхоналари,** муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.



## Мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган ерлар тушунчаси

**Куролли кучлар, чегара, ички ишлар ва темир йўл** кўшинларининг харбий қисмлари, харбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар **мудофаа эҳтиёжлари** учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.



## Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тушунчаси

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар жумласига **корхоналар, муассасалар** ва **ташкilotлар** фойдаланиб келаётган, **кишлоқ хўжалигига** мўлжалланган ерлар, **аҳоли пунктларининг** ерлари, **саноат, транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига** мўлжалланган ва **тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар**, шунингдек **ўрмон ва сув фондлари** ерлари таркибига **қирмаган** қолган барча ерлар қиради.






## ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА РЕКРЕАЦИЯ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга-давлат **қўриқхоналари**, миллий тарихий-табиий ва **ёдгорлик боғлари**, заказниклар, табиат ёдгорликлари, **дендрология боғлари**, **ботаника боғлари**, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий **даволаш** омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва **туризм** учун фойдаланишга берилган ер участкалари киради. Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини қўриқхоналар ва миллий ҳамда дендрология боғлари эгаллайди. Буларнинг барчаси алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ҳисобланади ва уларнинг фойдаланиш мақсадига зид фаолият таъқиқланади.

Фойдаланиш мақсади - табиий жараён ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва ноёб турларини табиий ҳолатда сақлаб қолиш, сонини кўпайтириш ва ўрганиш, табиий шифобахш омилларга эга бўлган ерларда касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш, туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этишдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига умумий майдони **728,4 (1.62%) минг** гектарни ташкил қилади.



## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЕРЛАР

Тарихий–маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига **тарихий-маданий кўриқхоналар, мемориал боғлар, археология, тарих** ва **маданият ёдгорликларига** тегишли муассасалар ҳамда ташкилотлар учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради ва улар алоҳида муҳофаза қилинади. Республикамизда тарихий-маданий аҳамиятга молик ер майдонлари таркибига кирувчи алоҳида муҳофаза қилинадиган жаҳон аҳамиятига эга бўлган тарихий, археологик, меъморий ва бадиий ҳамда маданий ёдгорликлар сақланади. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шахрисабз ва Термиз шаҳарларида жойлашган тарихий топилма ва археологик манбалар Республикамиз ҳудудида такрорланмас бойликлар мавжудлигини кўрсатади. Бундай бетакрор тарихий ёдгорликлар халқимиз ва она еримизнинг олтин фонди сифатида асраб-авайлаб келинмоқда.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг 2021 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **14,7 (0,03%) минг** гектарни ташкил қилади.


## ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЕРЛАР




Нарпай тумани “Ноғарахона” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Номсизтепа. Маҳаллий аҳолининг фикрига кўра ушбу тепа XVII-XVIII асрларга оид бўлиши мумкин. Ушбу тепа ўрганилмаган.

## ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ

Ўрмон фонди ерлари алоҳида экологик аҳамиятга эга бўлиб, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлардир. Ўрмон фонди ерларининг 2021 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **12021,4 минг** гектарни ёки жами ер майдонининг **26,78 фоизини** ташкил қилади.



## ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ



Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши. (% ҳисобида)

## СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ

Сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, сув омборлари, гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, сув ҳавзалари ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари тоифасига киради.

Сув фонди ерлари 2021 йил 1 январь ҳолатига жами **827 минг гектарни** ёки умумий ер майдонининг **1,84 фоизини** ташкил қилади.



## ЗАХИРА ЕРЛАР


**Захира ерлар** тушунчаси ер кодексининг 2-боб 8-моддаси ва 10-боб 78-моддаларида келтирилган бўлиб унга кўра юридик ва жисмоний шахслар эгаллигига ҳамда фойдаланишга, ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлар ҳисобланади. Бу ерлар жумласига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи Ер Кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра захира ерларнинг умумий ер майдони **6144 минг гектар** ёки умумий ер майдонининг **13,68 фоизини** ташкил этади.

## Ўзбекистон иқлими


Ўзбекистон Евросиё материгининг марказида, океанлардан узоқда (Тинч океандан 5500 км, Атлантикадан-4000 км, Шимолий Муз океанидан 2500 км, Ҳинд океанидан 2000 км), берк хавзада жойлашган. Унинг бундай географик ўрни Қуёшдан кўпроқ энергия келишини таъминлайди. Қуёш нурининг ер юзасига кўп ёки кам келиши ва унинг тақсимланиши энг аввало нурнинг қандай бурчак остида тушишига ва куннинг узун-қисқалигига боғлиқ. Булар эса ўз навбатида жойнинг географик кенглигига ва йил фаслларига боғлиқ равишда ўзгаради. Ўзбекистоннинг чекка шимолида 22 июнда пешинда Қуёш нури ер юзига  $68^{\circ}$ , Тошкентда  $72^{\circ}$ , мамлакатнинг жанубида-Термизда эса  $76^{\circ}$  ли бурчак остида тушади. Қишда эса бу бурчаклар шимолида  $21^{\circ}$ , жанубида эса  $29^{\circ}$ га тенг бўлади. Ёзда Ўзбекистонда кундуз куннинг узунлиги 15 соатдан кўпроқ давом этса, қишда 9 соатдан кам эмас. Бинобарин, Ўзбекистонда Қуёш баланд кўтарилганлиги, куннинг узунлиги, булутлик кунларнинг камлигидан Қуёш узоқ вақт нур сочиб туради. Ўзбекистоннинг текислик қисми олиши мумкин бўлган Қуёш энергиясининг 65-70% ини олади. Шу сабабли Қуёш нур сочиб турадиган вақт Термизда 3095, Тошкентда 2870, республикамиз шимолида эса 2000 соатни ташкил этади.





## *O'zbekiston Respublikasi viloyatlari*

O'zbekiston Respublikasi 12 ta viloyat va Qoraqalpog'iston avtonom respublikasidan tashkil topgan:



1. Toshkent shahri
2. Andijon
3. Buxoro
4. Farg'ona
5. Jizzax
6. Namangan
7. Navoiy
8. Qashqadaryo
9. Samarqand
10. Sirdaryo
11. Surxondaryo
12. Toshkent viloyati
13. Xorazm
14. Qoraqalpog'iston Respublikasi

## Andijon viloyati tabiiy sharoitlari

Andijon viloyati yer yuzasi asosan tekislik. Hozirgi relyefi va yer yuzasidagi jinslar to'rtlamchi geologik davrning katta-kichik daryolari va irmoqlarining faoliyatidan hosil bo'lgan. Viloyatning g'arbiy qismi qirli tekislik (bal. 400–500 m), sharqi (Andijon shahridan sharqda) Farg'ona va Olay tizmalarining tarmoqlaridan iborat. Andijon viloyati geologik aktiv zonada joylashgan, kuchli zilzilalar bo'lib turadi. Iqlimi keskin kontinental, quruq. Tog' tizmalari Farg'ona vodiysini sovuq havoning kirib kelishidan to'sib turganligi uchun qishda Andijon viloyatida ob-havo birmuncha barqaror. Yozi issiq, iyulning o'rtacha temperaturasi 27,3°, qishi nisbatan sovuq, yanvarning o'rtacha temperaturasi –3°.



Vegetatsiya davri 217 kun. Yiliga 200 – 250 mm yog'in tushadi. O'zbekistonning boshqa viloyatlariga nisbatan suv resurslariga boy. Tuproqlari bo'z, qo'ng'ir, o'tloqi, o'tloqi-botqoq tuproqlar, qumtosh, mergel, less va chaqirtoshlardan iborat.

Andijon viloyatining ekin ekilmaydigan tekislik qismida shuvoq-sho'ra o'simliklari, tog' yon bag'irlarida pista, bodom o'sadi.

## Buxoro viloyatining tabiiy sharoitlari

**Buxoro viloyati** — O‘zbekiston viloyatlari ichida, chegasining kattaligi bo‘yicha Navoiydan keyin ikkinchi o‘rinda turadi. 1938-yil 15-yanvarda tashkil etilgan. Buxoro viloyati hududi asosan Qizilqum o‘cho‘lida joylashgan. Janubi-sharqini Zarafshon vodiysi egallagan. Shimoli-g‘arbda Xorazm viloyati va Qoraqalpog‘iston Respublikasi, shimol va sharqdan Navoiy viloyati, janubi-sharqda Qashqadaryo viloyati, janubi-g‘arbda Turkmaniston bilan chegaradosh. Maydoni 39,4 ming km<sup>2</sup>. Markazi-Buxoro.

Viloyat seysmik jihatdan 7 balli, faqat Gazli shahri atrofi 9 balli zilzila zonasiga kiradi. Iqlimi keskin kontinental: yozi issiq, uzoq, quruq, iyulning o‘rtacha harorati 28-32°, qumliklarda 60-70° gacha ko‘tariladi. Yanvarning o‘rtacha harorati 0° dan -2° gacha, yiliga 90-150 mm yog‘in tushadi.



Asosan bahor va qishda yog‘adi. Vegetatsiya davri 220 kun. Buxoro viloyatining asosiy suv manbai — AmuBuxoro mashina kanali. Quyimozor, To‘dakul, Sho‘rkul suv omborlarining ahamiyati katta. Bundan tashqari vohalar atrofida zovur va oqova suvlar tashlanadigan Dengizko‘l, Qoraqir, Katta Tuzkon va Devxona kabi ko‘llar mavjud. Buxoro viloyati bo‘yicha yerlarning 94,4 % turli darajada sho‘rlangan.

## Fargʻona viloyatining tabiiy sharoitlari

**Fargʻona viloyati** — 1938-yil 15-yanvarda tashkil etilgan. Respublikaning sharqida, Fargʻona vodiysining janubida joylashgan. Shimoldan Namangan, Andijon viloyatlari, janub va sharqdan Qirgʻiziston, gʻarbdan Tojikiston Respublikalari bilan chegaradosh. Maydoni 6,8 ming km<sup>2</sup>. Markazi — Fargʻona shahri.

Fargʻona viloyati yuqori seysmik zona hisoblanadi. Iqlimi kontinental. Qishi birmuncha yumshoq, baʼzan havo juda sovib ketadi. Yanvar oyining oʻrtacha harorati — 3,2 °C, iyulniki 28 °C. Eng past harorat — 27,9 °C. Eng yuqori harorat 42 °C. Vodiyning gʻarbida esadigan kuchli „Qoʻqon shamoli“ iqlimga salbiy taʼsir etadi. Shamolning tezligi sekundiga baʼzan 35–40 m ga yetadi. Janubi-sharqida yozda garmsel esadi.

Yiliga gʻarbida 100 mm dan (Qoʻqon atrofi) sharqiy qismida 170 mm gacha, togʻ yon bagʻirlarida 270 mm gacha yogʻin tushadi, asosan, bahorda yogʻadi. Vegetatsiya davri 210—240 kun. Asosan, boʻz tuproq va oʻtloqi botqoq tuproqlar keng tarqalgan. Yerlarining kattagina qismi ekinzor.



## Jizzax viloyatining tabiiy sharoitlari

**Jizzax viloyati** – Respublikaning markaziy qismida. 1973 yil 28 dekabrda tashkil etilgan. Shim.-sharqda Qozog‘iston Respublikasi va Sirdaryo viloyati, janubi-g‘arbda Samarqand, Navoiy viloyatlari, janubi-sharqda Tojikiston Respublikasi bilan chegaradosh. Maydoni 21,1 ming km<sup>2</sup>. Markazi — Jizzax shahri.

Relyefi tog‘lik, qir va tekisliklardan iborat. Iqlimi keskin kontinental. Yanvarning o‘rtacha temperaturasi 0° dan –4° gacha, iyulniki 28°. Tog‘ oldilarida iqlim cho‘l va dashtlarga nisbatan yumshoq.

Yillik yog‘in viloyat janubida 400–500 mm, shimolida 250– 300 mm. Vegetatsiya davri 210-240 kun. Yillik quyoshli kunlar 2800-3000 soat. Eng yirik daryolari — Sangzor, Zominsuv.



## Xorazm viloyatining tabiiy sharoitlari

**Xorazm viloyati** — 1938 yil 15 yanvarda tashkil etilgan. Umumiy maydoni – 6 300 kvadrat kilometr. Iqlimi kontinental, sovuq qish va quruq issiq yoz bo‘ladi. Markazi Urganch.

Relyefi pasttekislikdan iborat. Iqlimi keskin kontinental. Qishi mo‘‘tadil sovuq, qor kam yog‘adi, yanvarning o‘rtacha temperaturasi  $-5^{\circ}$ , eng past temperatura  $-32^{\circ}$ . Yozi issiq, quruq, iyulning o‘rtacha temperaturasi  $30^{\circ}$ , eng yuqori temperatura  $45^{\circ}$ . Vegetatsiya davri 200–210 kun. Yiliga 78–79 mm yog‘in tushadi, asosan, martaprel oylarida yog‘adi. Shimoliy va shimoli-sharqiy shamollar esadi. Yagona daryosi – Amudaryo viloyat hududida keng vodiy bo‘ylab oqadi, qirg‘oqlari past, shu sababli toshqin bo‘lib turadi. Viloyat janubida mayda sho‘r ko‘l, botqoqlik va sho‘rxok ko‘p.

Tuproqlari Amudaryoning allyuvial yotqiziqlaridan tashkil topgan. Daryo vodiysida o‘tloqi, o‘tloqibotqoq tuproqlar, g‘arbida qumliklar uchraydi. Sug‘oriladigan yerlarda, asosan, bo‘z tuproq bo‘lib, kuchli sho‘rlangan. Viloyat hududining asosiy qismi haydaladigan yerlar.

## Namangan viloyatining tabiiy sharoitlari

**Namangan viloyati** — 1941 yil 11 martda tashkil etilgan (1960 yil 25 yanvarda Andijon va Fargʻona viloyatlari tarkibiga qoʻshib yuborilgan. 1967 yil 18 dekabrda qayta tashkil etildi). Maydoni 7,44 ming km<sup>2</sup>. Markazi – Namangan shahri.

Yer yuzasi, asosan, tekislik boʻlib, shimoliyda qator tepaliklar va Chatqol hamda Qurama togʻlari bilan oʻralgan. Balandligi 350–800 m. Viloyat hududi geologik faol zonada joylashgan va 8 ballgacha-zilzilalar boʻlib turadi. Chust-Pop yer osti suvining issiqligi 50° (1300 m dan chiqadi). Yer osti suvlari togʻ, adir, togʻ oldi botiqlarida va yoyilmalarda yirik toshli, shagʻalli va qumli qatlamlarda joylashgan. Sirdaryoga yaqin zonalarda yer osti (sizot) suvlari mavjud. Iqlimi keskin kontinental. Yozi uzoq, issiq, qishi qisqa, nisbatan sovuq. Yillik oʻrtacha temperatura 13°. Yanvarda temperatura –25° gacha pasayadi, iyunda 35–45° ga yetadi. Vegetatsiya davri 229 kun. Viloyatning turli qismlarida yogʻin miqdori turlicha. Namanganda oʻrtacha yillik yogʻin miq-dori 230 mm, gʻarbida 90–190 mm, sharqiy tumanlarida 300–400 mm, togʻ etaklarida 600 mm. Yogʻinning eng koʻp qismi bahor va kuzda yogʻadi. Daryolari yogʻindan, togʻlardagi qor va muzliklardan suv oladi.



## Navoiy viloyatining tabiiy sharoitlari

**Navoiy viloyati** - 1982 yil 20 aprelda Buxoro va qisman Samarqand viloyatlari hududlaridan tashkil etilgan. 1988 yilda ma'muriy birlik sifatida tugatilib, 1992 yil boshida qayta tiklandi. Shimoliy va shimoli-sharqdan Qozog'iston, janubi-sharqdan Jizzax, Samarqand, jan.dan Qashqadaryo, janubi-g'arbdan Buxoro viloyatlari bilan chegaradosh. Maydoni 111,0 ming km<sup>2</sup>. Markazi — Navoiy shahri.

Viloyat seysmik jihatdan 7 balli zilzila zonasiga kiradi. Qizilkum cho'li tufayli iqlimi keskin kontinental cho'l iqlimi: yozi uzoq, quruq, issiq, iyulda o'rtacha temperatura 27,2—29,6°, qumda oftobda temperatura 60—70° gacha ko'tariladi. Yanvarda o'rtacha temperatura — 1,9° dan —0,6° gacha. Cho'l va yaylovlarda, vohalarda iqlim o'rtacha. Yog'in, asosan, bahor va qishda yog'adi. Yillik yog'in 125–282 mm. Vegetatsiya davri 177—212 kun. Navoiy viloyatining asosiy suv manbai — Zarafshon daryosi.



## Qashqadaryo viloyatining tabiiy sharoitlari

**Qashqadaryo viloyati** —1924 yil 1 noyabrda tashkil etilgan. Respublikaning jangʻarbida, Qashqadaryo havzasida, Pomir-Olay togʻ sistemasining gʻarbiy chekkasida, [Amudaryo](#) va [Zarafshon](#) daryolari, Hisor va Zarafshon tizma togʻlari orasida. Shimoli-gʻarbdan Buxoro, janubi-sharqdan Surxondaryo, janubi-gʻarb va gʻarbdan Turkmaniston, sharqdan Tojikiston va Samarqand viloyatlari bilan chegaradosh. Maydoni 28,6 ming km<sup>2</sup>. Iqlimi kontinental. Qishi nisbatan yumshoq. Yozi uzoq (155–160 kun), issiq, quruq. Yanvarning oʻrtacha temperaturasi 0,2° dan 1,9° gacha, iyulniki 28°–29,5°. Eng yuqori temperatura 45°.

Eng past temperatura –20°. Yiliga tekisliklarda 290–300 mm, adirlarda 520–550 mm, togʻlarda 550–650 mm yogʻin tushadi. Yogʻin, asosan, bahor va qishda yogʻadi, yozda garmsel esadi.

Tarkibida 13 tumani ([Dehqonobod](#), [Kasbi](#), [Kitob](#), [Koson](#), [Mirishkor](#), [Muborak](#), [Nishon](#), [Chiroqchi](#), [Shahrisabz](#), [Yakkabogʻ](#), [Qamashi](#), [Qarshi](#), [Gʻuzor](#)).

Vegetatsiya davri tekisliklarda 290–300 kungacha. Asosiy daryosi – Qashqadaryo. Sugʻoriladigan yerlarning tuprogʻi, asosan, tipik va och boʻz tuproqlar. Viloyatda 76,6 ming ga oʻrmon mavjud. Oʻrmonlarning asosiy qismini archa va saksovlzorlar tashkil etadi. Bu yerdagi togʻlarning eng baland nuqtalari 4000 metrgacha yetadi.



## Qoraqalpog‘iston Respublikasining tabiiy sharoitlari

**Qoraqalpog‘iston** — O‘zbekiston Respublikasi tarkibidagi respublika maqomidagi O‘zbekiston Respublikasi subyekti. 1924-yil 14-oktabrda bosqinchi bolsheviklar tomonidan Turkiston ASSR tarkibida Muxtor viloyat sifatida tashkil etilgan. Maydoni 166,6 ming km<sup>2</sup>.

Iqlimi keskin kontinental, yozi quruq va qishi nisbatan sovuq, qor kam yog‘adi. Yanvar oyining o‘rtacha temperaturasi janubda  $-4,9^{\circ}$ , shimolida  $-7,6^{\circ}$ , iyulda janubida  $28,2^{\circ}$ , shimolida  $26^{\circ}$ . Yillik yog‘in 110 mm, asosan, qish va bahor oylarida yog‘adi. Vegetatsiya davri 194–214 kun. Eng yirik daryosi–Amudaryo (quyi oqimi). Amudaryo havzasi qadimdan sug‘oriladigan hudud sifatida ma’lum. Daryo suvidan sug‘orishda foydalaniladi.



## Samarqand viloyatining tabiiy sharoitlari

**Samarqand viloyati** Samarqand viloyati respublikada birinchi tashkil bo'lgan viloyatlardan hisoblanadi. U 1938 yil 15 yanvarda tashkil topgan. Ushbu viloyat respublika hududining markaziy qismida, Zarafshon daryosining o'rta oqimi havzasida joylashgan. Uning chegaralari g'arb va shimoli-g'arbda Navoiy viloyati, shimol va shimoli-sharqda Jizzax va janubda Qashqadaryo viloyatlari, janubi-sharqda Tojikiston bilan tutash.

Viloyatning markaziy qismi go'zal vohadan iborat bo'lib, bu voha uncha keng bo'lmay sharqdan-g'arbiga tomon Zarafshon va Turkiston tog' tizmalari orasini egallagan. Viloyatning asosiy sug'oriladigan yerlari xuddi ana shu maydonlarni egallagan.

Bu jihatidan Samarqand viloyati respublikada birinchi o'rinda va respublika aholisining 11,4 foizini tashkil etadi.

Ko'hnna, noyob tarixiy obidalarga boy bo'lgan Samarqand shahri viloyatning markaziy shahri bo'lib, u 1924–1930-yillarda O'zbekiston poytaxti vazifasini bajargan.



## Sirdaryo viloyatining tabiiy sharoitlari

**Sirdaryo viloyati** - 1963 yil 16 fevralda tashkil etilgan. Shimolidan [Qozog'iston](#) Respublikasi, sharqdan [Toshkent viloyati](#), janubidan [Tojikiston](#) Respublikasi va g'arbdan [Jizzax viloyati](#) bilan chegaradosh. Maydoni 5,3 ming km. Markazi — [Guliston shahri](#).

Relyefi, asosan, to'liqinsimon tekislik bo'lib, janubidan shim.g'arbga pasayib boradi. Mirzacho'l dashtining bir qismi viloyat hududiga kiradi. Bal. shimubida 230 m, markaziy qismida 400–450 m, jan. va jan.g'arbda 600–650 m.

Ob-havosi keskin o'zgaruvchan va quruq. Yillik o'rtacha temperaturasi 14°. Yanvarning o'rtacha temperaturasi shimolida —6°, janubida —2°. Qishda havo tez soviydi va tra —30° gacha (Gulistonda —35°) pasayadi. Ba'zan, qish o'rtalarida havo birdaniga isib, keyin sovib ketadi. Kech ko'klamda va erta kuzda ham kora sovuq tushib o'simlikning o'sish davrini qisqartiradi. Yozi quruq va issiq. Iyulning o'rtacha temperaturasi 27—29°. Yozda tra 32—45° gacha ko'tariladi. Ko'pincha issiq shamol (garmsel) tuproqni quritadi va o'simliklar rivojlanishiga yomon ta'sir qiladi. Vegetatsiya davri 218 kun. Yillik yogin 180–220 mm, asosan, qishda yog'adi. Yozda kuchli bug'lanish sababli yer osti suvlari yuza maydonlarning (Sharof Rashidov, Oqoltin, Guliston tumanlari) tuprog'ini sho'r bosadi. Noyabrdan martgacha teztez esib turadigan "Bekobod shamoli" tezligi 20–25 m/sek. (Boyovut tumanida 40 m/sek.)ga yetadi. Bahorda esadigan bu xildagi shamol unib chikayotgan g'o'zalarni ba'zan nobud qiladi. Keyingi yillarda ixota daraxtzorlari barpo qilindi. Tuproqlari, asosan, och tusli kuchsiz joylashgan bo'z tuproq bo'lib, kam va o'rtacha sho'rlangan, mexanik tartibiga ko'ra, qumoq va soz tuproqlardir. Tekisliklarda sho'rxok va sho'rxoksimon tuproq uchraydi. Yer osti suvining chuq. 5–6 m.

Sug'oriladigan yerlarning 32% sho'rlangan, 25% kuchsiz sho'rlangan, 16% sho'rxoklardan iborat.

## Surxondaryo viloyatining tabiiy sharoitlari

**Surxondaryo viloyati** - 1941 yil 6 martda tashkil etilgan. 1960 yil 25 yanvarda Qashqadaryo viloyati bilan qo‘shilgan. 1964 yil fevralda qaytadan tashkil qilindi. Respublikaning janubi-sharqida, Surxon-Sherobod vodiysida joylashgan. Janubidan Amudaryo bo‘ylab Afg‘oniston, shimoliy, shimoli-sharq va sharqdan Tojikiston, janubi-g‘arbdan Turkmaniston, shim.g‘arbdan Qashqadaryo viloyati bilan chegaradosh. Maydoni 20,1 ming km<sup>2</sup>. Markazi — Termiz shahri.

Surxondaryo viloyati relyefi tog‘ va tekisliklardan iborat, shim.dan janubga qiyalanib va kengayib boradi. Tekislik qismining iqlimi quruq subtropik. Yozi jazirama issiq va uzoq, qishi iliq va qisqa. Yillik o‘rtacha temperatura 16°—18°. Iyulning o‘rtacha temperaturasi 28°.—32°, yanvarniki 2,8°—3,6°. O‘zbekistonda eng issiq temperatura ham shu viloyat hududida kuzatilgan (1914 y. 21 iyunda Termizda 49,5° issiq bo‘lgan). Ba’zi yillari qish ancha sovuq (—20° va hatto undan ham past). Yil davomida bulutsiz kunlarning ko‘p bo‘lishi va quyosh nurining tik tushishi effektiv tralar yig‘indisi yuqori bo‘lishiga olib keladi. 10° dan yuqori trali kunlar tekislik qismida 290—320 kun davom etadi. Bu esa viloyatda eng issiqsevar ekinlar (shakarqamish, ingichka tolali paxta) va mevalar yetishtirishga imkon beradi. Viloyat tog‘lar orasidagi berk botikda joylashganidan bu yerda yog‘in kam. Viloyatning jan. tekisliklarida yiliga 130–140 mm, Hisor tog‘lari yon bag‘irlarida 445–625 mm yog‘in yog‘adi. Yog‘inning asosiy qismi qish va bahorda tushadi. G‘arbiy, janubi-g‘arbiy va shimoli-sharqiy shamollar ko‘p esadi. Viloyatning janubi-sharqiy qismida esadigan Afg‘on shamoli iqlimga salbiy ta’sir etadi.

Surxondaryo viloyati hududida Surxon davlat qo‘riqxonasi joylashgan.

## Toshkent viloyatining tabiiy sharoitlari

**Toshkent viloyati** — Respublikaning shimoli-sharqida. 1938 yil 15 yanvarda tashkil kilingan. Shimoliy va shimoli-gʻarbdan Qozogʻiston Respublikasi, shimoli-sharqdan Qirgʻiziston Respublikasi, sharqdan Namangan viloyati, janubidan Tojikiston Respublikasi, janubi-gʻarbdan Sirdaryo viloyati bilan chegaradosh. Maydoni (Toshkent shahri maydonisiz) 15,3 ming km<sup>2</sup>. Markazi – Toshkent shahri.

Iqlimi keskin kontinental. Qishi nam, nisbatan iliq, yozi uzoq, issiq va quruq. Yanvarning oʻrtacha temperaturasi – 1,3°, –1,8°, eng past temperatura –34° (tekislikda), –38° (togʻ etaklarida), iyulning oʻrtacha temperaturasi 26,8°, eng yuqori temperatura 43–47°. Tekislik qismida yiliga 250 mm, togʻ oldilariga 350–400 mm, togʻlarda 500 mm yogʻin yogʻadi. Yogʻinning koʻp qismi bahor va qishda yogʻadi. Qor togʻlardagina uzoqroq saqlanadi. Vegetatsiya davri tekislik qismida 210 kun. Daryolari Sirdaryo havzasiga mansub (Sirdaryo – oʻrta oqimi, uz. 125 km va uning irmoklari – Chirchiq, Piskom va Ohangaron). Bular Tyanshan togʻlaridan boshlanadi va suvidan elektr energiya olishda va sugʻorish ishlarida foydalaniladi. Sugʻorish kanallari: Boʻzsuv, Qorasuv, Dalvarzin, Toshkent va boshqa Tuyaboʻgʻiz suv ombori („Toshkent dengizi“), Chorvoq suv ombori, Ohangaron suv omborlari bor.

Tuproklari: tekislikda boʻz tuproq, togʻ etaklarida (500–600 m balandlikkacha) tipik boʻz tuproq, undan balandroqda chimqoʻngʻir, yuqorirokda oʻtloqidasht tuproq, daryo terrasalarining quyi qismida, yer osti suvi yuza joylarda oʻtloqi va botqoq tuproq, daryo vodiylarida allyuvial tuproqlardan iborat. Toshkent viloyatining tekislik qismi toʻla haydalgan, Sirdaryo buylarida kichik tuqaylar (terak, tol, jiyda, har xil butalar) mavjud. Togʻ etaklari va togʻlarda (1200–1400 m balandlikkacha) togʻ dashtlari, yuqorirokda siyrak archazorlar, 2000 m dan balandda subalp va alp oʻtloklari bor.

# ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ

## ТУПРОҚ БУ НИМА?

**ТУПРОҚ-литосфера юза**

қаватларининг сув, ҳаво ва тирик организмлар таъсирида ўзгаришидан шаклланадиган ва генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ горизонтлардан ташкил топган табиий тузилма. Ер пўстининг юза ва унумдор қатлами. Тупроқнинг нураган тоғ жинсларидан фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти - унумдорлигидир.





# ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҚЛАРИ

Ўзбекистоннинг тупроқ қобиғи мамлакатнинг иқлим шароити ва ўсимлик гуруҳлари ташкил қиладиган кенг ҳамда минтақавий баланд зоналарига қараб ўзгаради. **14 миллион гектарни (32 %) эгаллаган чўл** ҳудудлари тупроғи энг қуруқ ва кескин фарқ қиладиган шароитларда шаклланган. Бу ерларнинг ҳосилдорлиги паст, **чириндиларга бой эмас (< 1%),** намликни ўзига сингдириш даражаси ҳам паст, юқори карбонатли ва шўрланган. Чўл ерлар гуруҳига автоморф ерлар (*бўз, қумли, тақир*) ҳамда уларнинг гидроморф турлари киради.

**6,7 миллион гектар (15%)** майдонга эга бўз тупроқли ерлар (*оч ранг, ўзига хос тўқ бўз ерлар*) тоғолди яланглиklarининг қуйи чегараларидан юқorigа қараб тарқалган (200 метрдан 700-900 метргача). **Бўз ерлар чўл ерлардан чириндиларга бойлиги (2-3 %) ва кам шўрлангани** (оч ранг бўз ерлардан ташқари) билан ажралиб туради. Бундай бўз ерлар лалми ва суғориладиган деҳқончиликнинг муҳим ер фонди ҳисобланади.



**Гидроморф ерлар** (даштли ўтлоқ ва ўтли аллювиал ерлар) **3,8 миллион гектарни (умумий майдоннинг 9 %) эгаллайди.** Табиий ва такрорий шўрланган ҳамда суғориш натижасида емирилган бундай ерлар мамлакатнинг барча ҳудудларида учрайди. Бироқ уларнинг асосий қисми дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимлари, Орол бўйи ва паст ерларда жамланган Денгиз сатҳидан 1200 ва 1600 метр баландликни турли қалинликдаги қизғиш, қўнғир ва оч-қўнғир ерлар эгаллаган. Тоғ ёнбағридаги ерлар чириндиларга бойлиги (1,5-8,0 %) ва турли даражада емирилгани билан ажралиб туради: жигарранг ерларнинг 70 фоизини сув ўртача ва кучли даражада ювган.

Бу ерларнинг бўлақларга ажралгани ва ёнбағирларининг тиккалиги сабабли улардан асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Қуйи ялангликлар, кўл ҳавзалари ва тоғлар орасидаги пастликларда жойлашган ерларни умумий майдони **1,3 миллион гектардан (умумий фонднинг 3 %) иборат шўхок тупроқли** (қолдикли, қобикли-момик тупроқли, момик ва бошқа) ерлар ташкил этади. Жами шўрхок ерлардан фақат ўтлоқи ва ботқоқ ерлар таркибида 1,0 фоизгача чиринди бўлган чиринди қатламига эга. **12,1 миллион гектардан ортик майдонни (умумий ҳудуднинг 27,6 %) қумликлар эгаллаган,** шунинг 0,5 миллион гектардан ортиғини кўчиб юривчи қумлар ташкил қилади.




# Ўзбекистон тупроқлари географияси

№	Тупроқлар	Худудлар
1	<b>Типик бўз тупроқлар:</b>	Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, оз миқдорда Фарғона, Наманган вилоятларида тарқалган.
2	<b>Ўтлоқлашиб ёки ўтлоқдан бўз тупроқларга ўтиб бораётган тупроқлар:</b>	Сирдарё Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятларида тарқалган.
3	<b>Очтусли аллювиал тупроқлар:</b>	Бухоро, Харазм ва Қорақалпоғистон вилоятларида тарқалган.
4	<b>Оч тусли саз тупроқлар:</b>	Марказий Фарғонада водийсида жойлашган Фарғона, Андижон, Наманган ва Жиззах вилоятининг бир қисми тупроқлари.
5	<b>Тўқ тусли ўтлоқи саз тупроқлар:</b>	Андижон вилоятининг Шахрихон, Асака туманларида.
6	<b>Ботқоқ ўтлоқи тупроқлар:</b>	Марказий фарғона, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Хоразм, Вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг бир қисми ерлари
7	<b>Тўқ тусли ўтлоқи аллювиал тупроқлар:</b>	Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида тарқалган.
8	<b>Оч тусли бўз тупроқлар:</b>	Сирдарё, Жиззах, Наманган, Андижон, Фарғона, Қашқадарёнинг бир қисм ерлари.
9	<b>Ўтлоқлашиб ёки ўтлоқдан оч тусли бўз тупроқларга айланаётган ерлар:</b>	Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон вилояти ерларининг бир қисми.
10	<b>Бўз кўнғир тупроқлар:</b>	Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон ерларининг бир қисми.
11	<b>Сахро-Қумоқ тупроқлар:</b>	Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон ерларининг бир қисми.


# ЎЗБЕКИСТОН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ.

Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг  
шўрланганлик даражаси




## Ўзбекистон ерларнинг мелиоратив ҳолати.

### Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси




## *Республикада мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар*



## *Республикада мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган ерлар*

Худудлар	Суғориладиган майдонлар, минг га.				
	шўрланмаган майдон	шўрланган майдон	кам шўрланган	ўрта шўрланган	кучли шўрланган
<b>Республика</b>	<b>2336,5</b>	<b>1956,8</b>	<b>1316,6</b>	<b>541,5</b>	<b>98,7</b>
<b>ҚҚР</b>	<b>135,5</b>	<b>374,03</b>	<b>156,5</b>	<b>182,1</b>	<b>35,4</b>
<b>Андижон</b>	<b>258,1</b>	<b>7,64</b>	<b>4,0</b>	<b>3,6</b>	<b>0,0</b>
<b>Бухоро</b>	<b>39,2</b>	<b>235,74</b>	<b>171,3</b>	<b>58,3</b>	<b>6,1</b>
<b>Жиззах</b>	<b>67,6</b>	<b>232,91</b>	<b>158,7</b>	<b>68,6</b>	<b>5,6</b>
<b>Кашкадарё</b>	<b>280,1</b>	<b>235,26</b>	<b>183,3</b>	<b>41,2</b>	<b>10,7</b>
<b>Навоий</b>	<b>22,5</b>	<b>100,58</b>	<b>88,4</b>	<b>11,5</b>	<b>0,7</b>
<b>Наманган</b>	<b>257,5</b>	<b>24,65</b>	<b>17,5</b>	<b>6,4</b>	<b>0,7</b>
<b>Самарканд</b>	<b>371,4</b>	<b>4,99</b>	<b>4,7</b>	<b>0,3</b>	
<b>Сурхандарё</b>	<b>227,4</b>	<b>98,25</b>	<b>69,3</b>	<b>28,0</b>	<b>1,0</b>
<b>Сирдарё</b>	<b>7,3</b>	<b>280,15</b>	<b>222,8</b>	<b>51,8</b>	<b>5,6</b>
<b>Тошкент</b>	<b>387,8</b>	<b>10,77</b>	<b>9,2</b>	<b>1,6</b>	<b>0,0</b>
<b>Фарғона</b>	<b>281,9</b>	<b>86,42</b>	<b>77,2</b>	<b>8,0</b>	<b>1,2</b>
<b>Хоразм</b>		<b>265,40</b>	<b>153,8</b>	<b>80,1</b>	<b>31,6</b>

## Экинлар ҳосилдорлигининг тупроқ шўрланишига боғлиқлик графиги





# Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, 2007 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди
- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди.

# Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Мелиоратив ишларни  
амалга ошириш учун:

Давлат бюджетидан 750  
млрд.сўмдан ортиқ маблағ  
ажратилди.

- “Узмелиомашлизинг” дав-  
лат лизинг компанияси  
ҳамда
- 49 та давлат унитар корхо-  
налари ташкил этилди



# “Ўзmeliомашлизинг” давлат лизинг компанияси томонидан етказиб берилган техникалар

(дона)

2008-2012 йй. жами	шу жумладан		
	экскаватор	бульдозер	бошқа техникалар
1450	600	180	670



**Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2013 йил 19  
апрелдаги “2013-2017 йиллар  
даврида суғориладиган ерларнинг  
мелиоратив ҳолатини янада  
яхшилаш ва сув ресурсларидан  
самарали фойдаланиш бўйича чора-  
тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-  
сонли қарори**

## **2013-2017 йиллар давлат Дастури доирасида бажарилган ишлар**

### **Қуриш ва реконструкция қилиш:**

2333 км суғориш тармоғи;

143 дона насос станцияси;

### **Таъмирлаш-тиклаш ишлари:**

29258 км суғориш тармоғи;

21146 дона гидростлар;

45549 дона гидротехник иншоотлар.

# 2013-2017 йиллар давлат Дастури доирасида

## **Қуриш ва реконструкция қилиш:**

5109 км коллектор-дренаж тармоқлари;  
35 дона мелиоратив насос станциялари;  
907 дона вертикал дренажлар.

## **Таъмирлаш-тиклаш ишлари:**

83589 км коллектор-дренаж тармоқлари;  
3639 дона тик дренаж;  
126 дона мелиоратив насос станцияси.

**Янги мелиоратив техникалар – 836 дона**

**Жумладан:** экскаватор - 303 дона

бульдозер - 109 дона

бошқа техники ва механизмлар - 424 дона

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сонли қарори**

4487 километр ирригация тизими каналларини, 5250 километр суғориш тармоғини, 3636 та гидротехника иншоотини, 495 та насос станциялари (агрегатлари)ни ва 1500 та тик суғориш қудуқларини, шунингдек, 7500 километр коллектор-дренаж шохобчаларини, 13 та мелиоратив насос станциялари ҳамда 185 та тик дренаж қудуқларини реконструкция қилиш ва қуриш кўзда тутилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли фармони**

-суғориш тизимларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 дан 0,73 гача ошириш;

-сув таъминоти паст даражада бўлган суғориладиган ер майдонларини 560 минг гектардан 190 минг гектаргача камайтириш;

-шўрланган суғориладиган ер майдонларини 226 минг гектарга камайтириш;

-Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмолини 25 фоизга камайтириш;

-барча ирригация тизими объектларига «Smart Water» («Ақлли сув») сув ўлчаш ва назорат қилиш қурилмалари ўрнатилиб, сув ҳисобини юритишда рақамли технологияларни жорий этиш;

-100 та йирик сув хўжалиги объектларида сувни бошқариш жараёнларини автоматлаштириш;

-қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш;

-сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида 50 та лойиҳани амалга ошириш.



# Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Мелиоратив  
тадбирлар амалга  
оширилган  
ҳудудларда  
ҳосилдорлик  
пахтада 3-4  
ғаллада 4-5  
центнерга кўпайди



# Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

Амалга оширилган ишларнинг  
натижаси:

- 1200,1 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди
- Кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 81,0 минг гектарга камайтирилди
- 900 минг гектардан ортиқ майдонда сизот сувларининг сатҳи мақбул сатҳларда ушлаб турилишига эришилди



# “Ўзбекистон - 2030” стратегияси

## Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш



Республиканинг сув ресурслари баланси ишлаб чиқилади ва сув ресурслари доимий равишда мониторинг қилиб борилади



Сув етказиш тизимидаги тупроқ қопламали каналларни бетон қопламага ўтказиш дастури ишлаб чиқилади



Гилам ва автомобиллар ювиш шохобчалари фаолиятида сувни тежовчи ва қайта ишловчи технологияларни (циркуляр) жорий этиш тартиби ишлаб чиқилади



Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун “жамоат парклари” ташкил қилинади



Ҳар йили баҳорда 125 миллион туп ва кузда 75 миллион туп манзарали, мевали дарахтлар ва буталар кўчатлари экилади



Республиканинг ўрмон билан қопланганлик даражаси 30 фоизга етказилади



Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар 2,3 миллион гектарга етказилади



Оролбўйи минтақасида чанг бўронларининг шаклланиш шароитлари ва тарқалиш минтақаларини прогнозлаштириш дастури жорий қилинади



“Зарафшон” миллий табиат боғи 2 минг гектарга, “Сурхон” ва “Нурота” давлат қўриқхоналари ҳудуди 4-5 минг гектаргача кенгайтирилади



Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан қамраб олинмаган маҳаллалар хатловдан ўтказилади ва аҳолини чиқиндиларни тўплаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш чоралари кўрилади

# Nazorat savollari

1. Markaziy Osiyo davlatlarining tashkil topishi?
2. Markaziy Osiyo davlatlarining paydo bo'lishi va u yerda joylashgan davlatlar?
3. Markaziy Osiyodagi daryo va ko'l?
4. Markaziy Osiyo davlatlarining qishloq xo'jaligi?
5. O'zbekiston Respublikasining yer fondi Yer fondining toifalari va ularning tavsifi.
6. O'zbekiston Respublikasidagi jami foydalaniladigan yerlar maydoni ming ga (umumiy yer maydoni, ekin yerlar, ko'p yillik daraxtzorlar, bo'z yerlar, pichanzor va yaylovlar, jami qishloq xo'jaligi yerlari, tomorqa yerlari, o'rmonzorlar). ming ga.
7. O'zbekiston Respublikasi Yer fondining toifalari bo'yicha Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlar ming ga (bu yer maydoni tarkibiga qanday yerlar kiradi).
8. O'zbekiston Respublikasi Yer fondining toifalari bo'yicha Aholi punktlari, Sanoat, transport, aloqa, mudofaa va boshqa maqsadlarga mo'ljallangan yerlar ming ga (bu yer maydolari tarkibiga qanday yerlar kiradi).
9. O'zbekiston Respublikasi Yer fondining toifalari bo'yicha Tabiatni muhofaza qilish, sog'lomlashtirish va rekreatsiya xamda Tarixiy–madaniy ahamiyatga molik yerlar ming ga (bu yer maydolari tarkibiga qanday yerlar kiradi).
10. O'zbekiston Respublikasi Yer fondining toifalari bo'yicha o'rmon, suv fondlari va zaxira yerlar ming ga (bu yer maydolari tarkibiga qanday yerlar kiradi).
11. O'zbekiston xududida tarqalgan tuproqlar (maydoni gektar, % hisobida va tuproq turlari).
12. O'zbekiston tuproqlari geografiyasi (tuproq turlarining xududlar bo'yicha tarqalishi).

## Nazorat savollari davomi

13.O‘zbekiston yerlarning meliorativ holati (sho‘rlanmagan, kam, o‘rtacha, kuchli sho‘rlangan maydonlar, qoniqarsiz yerlar xududlar kesimida tarqalishi (gektar, % xisobida)).

14.Ekinlar hosildorligining tuproq sho‘rlanishi qanday ta’sir qiladi.

15.Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash Jamg‘armasi qachon tashkil etilgan va qanday ishlarni amalga oshirish vazifalari yuklatilgan.

16.Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash bo‘yicha 2008-2012 yillarga mo‘ljallangan Davlat Dasturi (Prezident qarori, ajratilgan mablag‘, tashkil topgan korxonalar, olingan texnikalar va amalga oshirilgan ishlar).

17.Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash bo‘yicha 2013-2017 yillarga mo‘ljallangan Davlat Dasturi (Prezident qarori, ajratilgan mablag‘, tashkil topgan korxonalar, olingan texnikalar va amalga oshirilgan ishlar).

18.Sug‘oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash bo‘yicha 2018-2019 yillarga mo‘ljallangan Davlat Dasturi (Prezident qarori, ajratilgan mablag‘, tashkil topgan korxonalar, olingan texnikalar va amalga oshirilgan ishlar).

19.O‘zbekiston Respublikasi suv xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030 yillarga mo‘ljallangan konsepsiyasi (Prezident farmoni va amalga oshirilishi rejalashtirilgan ishlar).



Эътиборингиз учун  
рахмат!